

**Тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бўлимининг
2026 йил 19 январдан 23 январгача
амалга оширилган ишлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

1. Жамғарманинг ижро этувчи директор ўринбосари У.Кандимовнинг топшириғига асосан бўлим шартнома шартларини кўриб чиқиб имзолашга тайёрлаш ва имзолашда иштирок этди.
2. ДТСЖ 14 та ҳудудий бўлинмалардаги тиббиёт муассасалари билан тузилган шартнома шартларининг биринчи иловаси текшириш ва рад қилиш амалиётлари билан шуғулланилди.
3. Ҳудудий бўлинмалардан йиғилган ССВнинг 17-сонли буйруғининг 13 – илова шакли ҳисоботини декабрь ойи ва йиллик маълумотлари умумлаштирилиб жадвал маълумот тайёрланди.
4. Давлат тиббий суғуртаси Жамғармасининг 2026 йил 19 январдаги 11-сонли буйруғи ижросини таъминлаш бўйича Тошкент тиббиёт академияси “Менежмент” йўналишининг 4-курс талабаларига ДТСЖнинг иш фаолияти тўғрисида амалиёт дарслари ўтказилмоқда.
5. Жамғарманинг 2025 йил 22 декабрдаги 914-сонли буйруғи ижросини таъминлаш юзасидан ҳудудий бўлинмалардан 2025 йил 12 ойида амалга оширилган ишлар бўйича намунавий шаклли йиғилган 22 тали жадвал маълумотлар йиғилиб умумлаштирди.
6. 2025 йил 20-январь куни соат 17-30 да ZOOM платформаси орқали ўтказилган Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг ҳудудий бўлинма бошлиқлари ва масъул ходимлари иштирокида шартномаларни расмийлаштириш тартибига бағишланган йиғилишида ТХСНҚБнинг барча ходимлари иштирок этди.
7. Давлат тиббий суғуртаси Жамғармасининг 2026 йил 12 январдаги 2-хс-сонли буйруғи ижросини таъминлаш юзасидан бўлим бош мутахассиси М.Юлдашева томонидан 2026 йил 13 январдан 22 январгача бўлган даврдаги хизмат сафари давомида Самарқанд вилоятида Самарқанд шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли марказий шифохонасида олиб борилган ўрганиш ишлари юзасидан ижро этувчи директор ўринбосари У.Кандимовга билдирги билан ўрганиш натижалари бўйича маълумоти ҳамда ўрганишга тааллуқли бўлган жадвал маълумотлари илова қилиб киритилди.
8. Жамғарманинг тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бўлимига “ЭДО.ИЖРО.УЗ” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимидаги бўлимга тегишли топшириқлар ижроси билан шуғулланилди.

Маълумотлар илова қилинади.